2 9 09 94

*Ўзбекистон - келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

20 сентябрь, сешанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 184 (932)

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ олган суратлар. (ЎзА).

19 сентябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Янги Зеландиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эдвард Ричард Вудзни қабул қилди.

Элчи ишонч ёрлиғини топширар экан, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун бор куч-ғайратини сафарбар этишини маълум қилди.

Ўзбекистон раҳбари элчини ғоят масъулиятли ва шарафли вазифа билан қутлаб, бундан буёнги фаолиятига муваффақият тилади.

***

Шу куни Ислом Каримов Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ким Ир Хекдан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ким Ир Хек ўз мамлакати билан азалий дўстлик ришталарига эга бўлган Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон Президенти икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга элчи муносиб ҳисса қўшади деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

*• Ишонч ёрлиғи топширилиши муносабати билан*

### ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

## ЭДВАРД РИЧАРД ВУДЗ



1941 йил 20 сентябрда Греймутда туғилган. 1961 йилда Кантербери университетининг коллежини, 1965 йилда Оксфорд университетини тугатган.

1966 – 1968 йиллар – саноат ва савдо департаментининг савдо алоқалари бўлими ходими

1968 – 1972 йиллар – Янги Зеландиянинг Римдаги элчихонасида 2-котиб, Италия

1973 йил – Янги Зеландия Ташқи ишлар вазирлиги иқтисодиёт бўлими мудири ёрдамчиси

1974 йил – Янги Зеландия Ташқи ишлар вазирлиги Африка ва Яқин Шарқ бўлими мудири ёрдамчиси

1975 – 1977 йиллар – Янги Зеландиянинг Эрондаги элчихонасида 1-котиб

1977 – 1979 йиллар – Баҳрайнда Бош консул

1980 – 1981 йиллар – Янги Зеландия Ташқи ишлар вазирлиги ташқи ёрдам бўлими мудирининг ўринбосари

1982 – 1984 йиллар – Янги Зеландиянинг Вашингтондаги элчихонасида маслаҳатчи элчи

1984 – 1987 йиллар – Янги Зеландиянинг Эрондаги, айни пайтда Покистондаги элчиси

1987 – 1990 йиллар – Янги Зеландиянинг Грециядаги элчиси

1990 – 1991 йиллар – Ташқи алоқалар ва савдо вазирлигининг Африка ва Яқин Шарқ бўлими мудири

1991 – 1993 йиллар – Ташқи алоқалар ва савдо вазирлигининг ҳамкорликни ривожлантириш бўлими мудири

1993 йилдан шу пайтгача – Россия Федерациясида элчи

1994 йил сентябридан бошлаб ўриндошлик йўли билан Янги Зеландиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси

Уйланган, икки фарзанди бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.**

*• Ишонч ёрлиғи топширилиши муносабати билан*

### КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

## КИМ ИР ХЕК



1947 йил 10 июлда Пхеньян шаҳрида туғилган.

1964-1972 йиллар – Пхеньян транспорт бирлашмасида бригадир бўлиб ишлаган

1977 йил – Ким Чек номидаги Пхеньян политехника университетини тугатган

1977 – 1979 йиллар – Ким Чек номидаги Пхеньян политехника университети сектор бошлиғи

1979 – 1989 йиллар – Фан ва техника давлат қўмитаси қошидаги бош бошқармада йўриқчи, катта йўриқчи, бўлим мудири, бошлиқ ўринбосари

1989 – 1994 йиллар – Фан ва техника давлат қўмитаси раисининг ўринбосари

1994 йил сентябридан бошлаб – Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси

1-даражали Давлат байроғи ордени, меҳнат ордени билан тақдирланган, бошқа мукофотлари ҳам бор

Уйланган, икки қизи бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 сентябрь куни Туркия Республикаси давлат вазири Нажмиддин Жавҳарийни қабул қилди.

Суҳбатда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрдўғон Ойтун иштирок этди.

(ЎзА).

## ЯНГИ КРЕДИТ ЙЎЛИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг хабарига қараганда, Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқи вице-президенти Х. Кристофер мамлакатимиз Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Миллий банки вакиллари билан 1994-1995 йилларда дори-дармон ва болалар озиқ-овқати сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикасига 59 миллион ЭКЮ (72 миллион АҚШ доллари) миқдорида кредит бериш тўғрисидаги битимни имзолаган.

Мазкур битим асосида тузилган шартномаларга биноан шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларидаёқ Ўзбекистонга юзлаб хил тақчил дори-дармон, турли-туман тиббий асбоб-ускуна ва жиҳоз ҳамда болалар озиқ-овқати келтирила бошланади.

Мазкур кредит йўлининг очилиши Ўзбекистон аҳолисига тиббий хизматни яхшилаш, чақалоқларни дастлабки пайтданоқ сифатли таом билан таъминлашга хизмат қилади.

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Тошкентда "Ватан тараққиёти" партияси марказий кенгашининг мажлиси бўлди. Уни марказий кенгашнинг бош котиби Шавқиддин Жўраев бошқарди.

Мажлисда партия ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, партия фаолияти айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмаслиги, уларни ҳамжиҳатлик билан бартараф этиш, жойлардаги ташкилотларнинг ишини жонлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Партиянинг навбатдан ташқари иккинчи қурултойини чақириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Қурултойгача партия раиси вазифасини бажариб туриш ВТП марказий кенгашининг аъзоси Анвар Йўлдошев зиммасига юклатилди.

Мажлисда партия фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

### *ШОЛИКОРЛАР МАРРАГА ЕТДИ*

**Қўнғирот туманидаги "Хоразм" жамоа хўжалигининг Ўрол Мамбетов етакчилик қилаётган звено аъзолари республикада биринчи бўлиб давлатга шоли топшириш режасини бажарди.**

Миришкорлар 40 гектар майдондан 210 тонна аъло навли "қаҳрабо дон" йиғиштириб олишди. Ҳали далаларда ҳосил чўғи пасайгани йўқ.

### ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ

## ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

## ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 21 сентябрь куни эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар зали фойесида рўйхатга олинади.

### СЕССИЯ ОЛДИДАН УЧРАШУВ

Тошкент вилояти ҳокимлигида шу ҳудуддан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, фаоллар, маъмурий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими М. Икромов бошқарди.

Учрашувда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси кун тартибига киритилган масалалар хусусида маъруза қилди.

(ЎзА).

*• Дил изҳори*

## ЎЗ ХАЛҚИНИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАЁТГАН ЮРТ



**ЗУЛФИЯ, Ўзбекистон халқ шоири, "Дўстлик" ордени соҳибаси:**

— Мустақиллигимизнинг уч йиллиги тантаналари жуда чиройли халқ байрамига айланиб кетди. У ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Ана шу кунларда ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгни юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун республикамизнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Бу халқ ҳаётида яна бир тарихий воқеа бўлди.

Албатта, бундай маънавий рағбатлантириш ўз тақдирини ўзи ҳал қиладиган, ўз халқини ўзи тақдирлайдиган давлат томонидан яратиладиган имконларнинг бир ҳосиласидир. Бу имкон ғуруримизни жуда ошириб юборди.

Шу ерда мен яна бир нарсани таъкидлашни истардим:

Ўзбек халқи ҳаётида биринчи "Мустақиллик" нишони асримизнинг, миллий маданиятимизнинг улкан дарғаси сифатида Абдулла Қодирийга берилди. Бу, биз, ёзувчилар учун катта ифтихордир.

Таъсис этилган "Мустақиллик", "Дўстлик", "Жасорат", "Шуҳрат" нишонларининг ҳаммаси бирбирини тўлдириб, бир-бирини қувватлаб борадиган яхлит тақдирлаш мажмуидир. Шу буюк халқнинг бир фарзанди сифатида мукофотланганлар сафида мен ҳам борлигим билан фахрланаман.

Халқнинг буюклиги, катталиги унинг маънавияти кўлами билан ҳам ўлчанади. Бизнинг ўтмишимиз қадриятларга бой, маданиятимиз дунёга маълум. Тарихимизни кузатсак, ҳамма давр (у қандай тузум бўлишидан қатъий назар) ўз шоирларини, фузалоларини, саркардаларини етказиб берган. Шу нуқтаи назардан қарасак, мукофотланганлар рўйхатида республикамизнинг машҳур фан арбоблари, санъаткорлари, ижодкорлари борлигидан қувонамиз.

Биз ёзувчиларни халқ вакили, халқнинг овози, дейдилар. Мен бугун шу халқнинг бир фарзанди сифатида ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганларни табриклайман. Табриклашга ўзимни бурчли, ҳақли санайман. Юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилайман.

Бораётган манзилини аниқ кўраётган, нигоҳи тийрак Президентимиз бошчилигида долғалар оша олға сузиб бораётган бу улкан кема сафарининг бароргини берсин!

Ўз туғи, ўз байроғи, ўз мадҳиясига эга ўзбек халқи учун бу илк нашидалар барқарор бўлсин!

Истиқлолимиз боғи тобора гуллайверсин.



**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, халқ артисти, "Дўстлик" ордени соҳиби:**

— Аввало, саҳнадаги камтарин меҳнатим эътироф этилиб, жонажон Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлганимдан беҳад хурсандман. Бу унвоннинг яна бир қадрли жиҳати шундаки, биз Ўзбекистон мустақиллиги байрами кунларида илк бор нишондор бўлдик. Бундай улуғвор воқеа юртимизда бўлаётган, халқимиз манфаатлари ва келажагини кўзлаб олиб борилаётган инсонпарвар сиёсатининг узвий давомидир.

Ўзбек театр, кино санъати истиқлол боис ўзининг янги ва миллий йўлини топмоқда. Эндиги вазифа, миллий мафкурамизга хизмат қилувчи, ота-боболаримиз қадриятларидан куч олган чинакам санъат асарини яратиш лозим. Айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқ жоиз. Мен кўпинча замонамиз қаҳрамони ким, деган саволга жавоб топишга қийналаман. Чунки, мустақиллик халқимиз фарзандларига жуда катта имкониятлар очди. Биз бу имкониятдан самарали фойдалана олишимиз керак. Болаларимизнинг маънавий дунёсини шакллантириш, уларга пухта таълим-тарбия бериш бугунги кунимизнинг энг муҳим вазифасидир. Инсонда ватанни севиш туйғуси, миллий ғурур, меҳнатсеварлик каби улуғвор фазилатлар бўлмас экан, уни комил инсон деб бўлмайди. Комилликка эришган одамда эса чин инсоний фазилатлар мужассам бўлади.

Саҳнада кўплаб халқларга мансуб қаҳрамонлар образини яратганман. Қаҳрамонларимнинг миллати, диний эътиқоди турлича бўлишидан қатъий назар, яхши инсонларни бирлаштириб турадиган эзгу фазилатлар ягонадир. Илло, юздан ортиқ миллат ва элат яшаётган юртимизда тинчлик, осойишталик, дўстлик мангу барқарор бўлсин.



**Мастура ЗОКИРОВА, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 21-болалар поликлиникасининг бош врачи, "Шуҳрат" медали соҳиби:**

— Бу нишонни мен мамлакатимиз истиқболи йўлида қилинаётган меҳнатлар учун мукофот, деб биламан.

Республика мустақиллигини эълон қилган биринчи кунлардан эътиборан халқимизнинг саломатлиги, соғлом эртаси йўлида қатор-қатор тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Асосий эътибор касални тузатиш чорасини излаб бош қотиришдан кўра одамларнинг касал бўлмасликлари учун шарт-шароит яратишга қаратилаётганлиги айни муддао бўлмоқда.

Мен раҳбарлик қилаётган кичик жамоа ҳам Президентимизнинг "Соғлом авлод учун" олиб бораётган савобли ва масъулиятли фаолиятини юзага чиқаришда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Поликлиникамиз пойтахтнинг эски шаҳар мавзеида яшовчи 21 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Хизмат ҳудудимизда олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари атроф-муҳитни тобора мусаффолаштираяпти. Бу ҳам, ўз навбатида, болалар орасида касалланиш даражасини пасайтираяпти.

Поликлиникамизда меҳнат қилаётган ҳар бир тиббиёт ходими болалар саломатлигини асраш ва тиклашда анъанавий ва замонавий усуллардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётир.

Ана шундай завқиёб "ташвишлар" самараларини кўра бошлаган кунларда Президентимизнинг фармони билан мен ҳам тақдирланганлигимни эшитиб беҳад севиндим. Бу хабардан айниқса, дадам уруш ногирони Зокир Ризамуҳамедов янада кўпроқ фахрландилар. У кишининг касби фельдшерлик. Онам эса — ҳамшира. Улар биз 5 фарзанднинг 4 нафарини шифокорлик оламига олиб кирдилар. Ана шу маънода "Шуҳрат" медали мустақил мамлакатимизнинг саломатлик посбонларига берилган мукофот ва Истиқлолимиз истиқболини яратишга қодир соғлом авлод ўстириш йўлида оширилган масъулият, деб биламан.

*Эътиқод чорраҳаларида*

# УМИДЛАРИ САРОБ ЭКАНИНИ АНГЛАГАЧ...

**"Эрк" демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси Абдунаби Абдиев ушбу партия сафидан ўз ихтиёри билан чиқишга аҳд қилди. Диққатингизга унинг таҳририятимизга йўллаган мактубини ҳавола этамиз.**

**Одамзод табиати қизиқ, олисда жимирлаб турган саробга алданиб, ташналигини қондириш учун унга интилгани каби, баландпарвоз гап-сўзларга, ваъдаларга ҳам учади. Улар асослими, бажарилиши ҳақиқатга мосми, ваъда берувчи шоввоз ким, ўз сўзининг устидан чиқишга қодирми, аксариятимиз бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Вақт ўтиб, сароб сув эмас, жимирлаб инсонни шубҳасиз ҳалокат домига тортаётганини англаб етганимиз каби гапдон, ваъдабоз шоввоз ҳам нодон, вайсақибозлиги билан ўзининг ичида асраган ғаразли мақсадларига йўл очишга уринаётган товламачи эканлигини афсус ва надоматларга тўлган ҳолда англаб қоламиз.**

Мен бу ўхшатмани бежиз келтирмаяпман, мени ҳам кўплаб оддий кишилар сингари юзаки ялтироқ "ғояси" билан ўзига тортган, сўнгра асл қиёфасини намоён этиб, таниш-билишларимиз, эл олдида бебурд этиб, халқ назаридан қолдирган, обрў-эътиборимизни туширган "Эрк" демократик партияси ва унинг гапга устаси фаранг раиси Муҳаммад Солиҳ ҳақида сўз юритмоқчиман.

Халқ ҳаммасини билиши керак, мен каби кишиларнинг қандай алданганини ҳам, партияни тузган одамлардан бир гуруҳининг оддий аъзолар юзига оёқ босиб, уларга хоинлик этишганини ҳам, охир-оқибатда яхши ниятларда тузилган ташкилотни ҳалокатли жарга қулатишганини ҳам.

Қизил салтанатнинг сўнгги йилларидаги енгил эпкин, жумҳуриятимиз биринчи раҳбарлигига янгича фикрловчи, халқ дарди билан яшаб, ишлайдиган инсоннинг келиши, у кишининг Ўзбекистонда юқорининг таъсири билан кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни Москов олдига дадил кўтариб чиқиши, жумҳурият ҳақини талаб этиши ва ниҳоят, буйруқбозлик, муштумзўрликка ўрганиб қолинган ўлкада кўп фикрликка дадил йўл очиб бериши самараси ўлароқ, 1991 йил мобайнида қатор матбуот нашрларида илк бор "Эрк" демократик партияси, "Бирлик" халқ ҳаракати дастурлари эълон этилди.

Аслида бу дастурларнинг ошкора равишда халққа етиб бориши қизил салтанатнинг сўнгги йили, унинг ҳалокатидан сўнг ўтган икки-уч ой давомида эл фаровонлигини кўзлаб юргизилаётган сиёсат самараларининг энг кичик зарраларидан бири бўлса-да, ҳурматли газетхон, эътиборингизни ана шу муҳим ҳолатга тортиб, вақтингизни "ўғирлашга" жазм этаётганим учун узр сўрайман.

Мана шу икки ташкилотдан бири — "Бирлик"нинг фаолиятига баҳо беришга ҳожат бўлмаса керак, у асл қиёфасини бирмунча олдинроқ намоён этди. "Эрк" партияси, унинг айрим "демократ" асосчилари ўзларига кўрсатилган ишонч, ғамхўрликка нисбатан қандай жавоб қайтаришди, жумҳурият мустақиллигини мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшишди, охир-оқибат яхши ниятлар билан шу фирқа сафига кирганларнинг ишончини қандай оқлашди? Саволлар тизимини яна ҳам давом эттириш мумкин, аммо уларга жавоб, айниқса, ижобий жавоб топиш ниҳоятда мушкул вазифа бўлиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.

**Мен катта олим ёки сиёсатчи эмасман, оддий қишлоқ мактабининг ўқитувчиси, журналист, қолаверса, газетада "Эрк" дастурини ўқиб, унинг сафига ўз ташаббусим билан кирган аъзолардан бириман.**

Ҳар бир партиянинг ички интизоми бор, бу биринчи навбатда ўзининг Дастури ва Низомига риоя этиш, мамлакат қонунларини ҳурматлашдир.

"Эрк" ўзлигига қайтар, мана шу оддий ва ҳамма яхши биладиган қонунларга амал қилар, деган илинжда 1994 йил март ойигача сабр-тоқат билан кутдим. Унинг Марказий Кенгаши аъзоси сифатида ўзим ҳам жиноят кўчасига кириб бораётганимни яққол ҳис этганимдан сўнг, бу партиядан қўлимни ювиб, қўлтиққа урдим. Шукурким, ҳалиям жумҳуриятимиз қонунлари элпарвар, инсон тақдирига бепарво эмас, акс ҳолда мен қилган жиноятим — ноқонуний тарзда нашр этилган, халқ тинчлигига рахна солувчи бўҳтон-иғволардан иборат мақолалар билан тўлдирилган "Эрк" газетаси 1994 йил январида чиқарилган 1-сонини хуфиёна тарқатиш ишига қўшилганим учун атиги 180 минг сўм-купон жарима тўлаш билангина қутулиб қолмаган бўлардим.

Агар Ўзбекистонда, Муҳаммад Солиҳ ва унинг ҳамтовоқлари жаҳонга жар солиб бақириб-чақираётгандай, диктатура ҳукмрон бўлганида эди, мен енгилгина қутилган бўлмасдим, балки Сталин давридагидек қатағонга учрардим. Ҳаётимда туб бурилиш ясаган мазкур ғамхўрлик мени бир муддат ўйлашга, умримнинг саробга интилиб ўтган сўнгги икки ярим йили воқелигига холисона назар ташлашга ундади.

"Эрк" яхши ниятлар билан ташкил этилган партия эди, унинг Дастур ва Низоми ҳам бир қатор ўзига жалб этиш кучига эга бўлганди. Агар шу йўлдан чалғимай ҳаракат этилганда, бугунги кунда ўзига хос нуфузга эга бўлиши ҳам мумкин эди. Афсуски, Дастур ҳам, Низом ҳам қоғозда қолиб кетди. Асосий йўлдан чалғиб, сиёсий ташкилот бир гуруҳ кишиларнинг шахсий манфаати хизматкорига айланиб қолди. Кимлардир "Эрк" номидан гапиришга бир ўзинигина ҳақли деб билди, кўпчиликнинг устидан озчилик ҳукмрон ташкилотга айланди, демократик партиядан ном-нишон қолмади. Юксак партиявий интизомга риоя этилганида, бу аянчли ҳол юзага келмаган бўларди. Ўзим аъзо бўлган фирқа фаолиятида йўл қўйилган мудҳиш хатолар ҳақида бир бошидан фикр билдирсам. Сиз ҳам бунга ишонч ҳосил этишингиз шубҳасиз.

1991 йил ноябрида "Эрк" партияси сафига кирган бўлсам, 1992 йил март ойидан фирқанинг Қашқадарё вилоятидаги фаолларидан бири сифатида Марказий Кенгаш йиғилишларида иштирок эта бошладим. Илгари туман кенгаши депутати сифатида юксак интизомлик билан ўтказилган кўп йиғилишларда иштирок этиб юрганлигим туфайли илк бор "Эрк" Марказий Кенгаши мажлисида қатнашганимда, рости, бироз ҳайратга тушдим. Биринчидан, йиғилишга келган Марказий Кенгаш аъзолари олдиндан кўриладиган масалалардан хабардор этилмади, йиғилишнинг ўзида эса на кун тартиби тасдиқланди, на Кенгаш аъзолари ҳисобга олинди. Йиғилиш давомида қатнашчилар икки-учта бўлиб, залдан чиқиб ҳам кетишаверишди, кириб ҳам келаверишди.

Дастлаб партия раиси Муҳаммад Солиҳ ўн-ўн беш минутча гапирди. Унда ҳеч қандай дастурий фикр айтилмади, сўнгра вилоят котиблари бирма-бир минбарга таклиф этилиб, уларга тергов этилгандек, саволлар берилди. Йиғилиш кўпи билан бир соатча давом этганидан сўнг, ҳеч қандай ҳужжат қабул этилмасдан тарқалди. Не-не умидлар билан жумҳуриятнинг турли бурчакларидан вақтни бой бериб, шахсий маблағини сарфлаб келган юздан ортиқ вакил амалда ҳеч нарсага, яъни жойларда олиб борилиши лозим ишларнинг йўналишига эга бўлмай, қайтиб кетишди.

Кейинчалик бу одатий ҳолга бошқалар қатори мен ҳам кўникиб қолдим, гўёки аслида шундай бўлиши керакдай. Бошланғичдан тортиб, жумҳурият ташкилотигача аъзолик бадаллари тўпланмасди, ёки инсофи бор аъзо уялганидан уч-тўрт ойда бир марта ўз котибига тўрт-беш сўм бериб турарди. У ҳам тасдиқловчи ҳужжатга қайд этилмасди. Демак, мазкур бадаллар ҳам (агар бадал деб ифодалаш мумкин бўлса) кимга "ош" бўлганини аниқлашнинг имконияти йўқдир.

Партиянинг Қашқадарё вилояти кенгаши ҳудудий котиби бўлиб Марказдан бирон маротаба ҳужжат келганини сира эслолмайман. Тўғри, ортиқча қоғозбозликдан холи бўлиш мақсадга мувофиқ иш. Аммо аниқ кўрсатма ёки тавсияга эга бўлмай туриб ёки ўтаётган Марказий Кенгаш ҳужжатларини олмай, уларни жойларда қандай муҳокама этиш мумкин?

**1992 йил июнида Муҳаммад Солиҳ нафақат ўзига ишониб овоз берган сайловчилар, партия аъзоларининг ҳам юзига оёқ босиб, ўзбошимчалик билан Ўзбекистон халқ депутати гувоҳномасини сессия залида намойишкорона ташлаб чиққанидан сўнг Марказда ўтказилган йиғилишлар аламзада шахслар, бақириб-чақирувчи сафсатабозлар минбарига айланди.** Рухсат этилмаган митингларга, кўча юришларига чорловчи хитоблар баралла янграй бошлади. Бир сўз билан ифодалаганда, партия ҳаётларида хавфли бир мужда етилаётгани сезилиб қолди.

**Муҳаммад Солиҳ ўзидан бошқанинг сўзига деярли қулоқ солмай қўйди. Бўлар-бўлмас даъволар билан жумҳурият раҳбариятига тош отишлар кучайди.** Мени ҳамон бир савол қийнайди, "Эрк" Дастури ва Низомида у парламент партияси дея аталади, шундай бўлса, нега унинг раиси оддий аъзолар билан маслаҳатлашмай фирқани парламентдаги бир ўриндан маҳрум этди? Бу партия танлаган йўлдан чекиниш эмасми? Энди ўйлаб кўрсам, ўшанда партияни фалокатли жарга қулашдан сақлаш ҳақида унинг бошида турганлар эмас, юртбошимиз И. А. Каримов кўпроқ қайғурган экан. Холисанилло айтганда, жумҳуриятимиз Президентининг юрт ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган дамларда гина-кудуратларни унутиб, умумий душманга қарши курашиш йўлида бирлашиш тўғрисидаги ибратли воқеаларни, иқтисодий тангликдан чиқишни кўзлаган мамлакатларда турли мухолиф кучлар доира столи атрофига тўпланиб, маълум даврgacha умумий кучни ягона мақсадга жамлаши ҳақидаги мисолларни катта йиғинларда қайта-қайта таъкидлагани бу йўлдаги уринишлар эмасмиди?!

Юртбошимиз кўпчилик қатори озчилик ҳам шу мамлакат фуқароси бўлгани учун ғамхўрликка чулғанишга ҳақли эканини ўз бурчи деб билгани сайин, уларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймасликка интилгани сари шу озчиликнинг бошида турганлар эса жумҳурият истиқлолини порлоқ этишга ҳисса қўшиш ўрнига, чет элларнинг Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатишга илҳақ ахборот воситалари хизматидан имкони борича кўпроқ фойдаланишга ўтдилар. Шу орада "Эрк" раисининг айрим жиноий ишларга алоқадорлиги тергов жараёнида аниқлана бошлагач, Муҳаммад Солиҳ ўзига эргашганларга нисбатан навбатдаги хиёнатга журъат этди. Муқаррар жазодан қутулиш мақсадида ўзини тазйиқ остига олинган фирқа раиси сифатида кўрсатиб, чет мамлакатлардан бошпана излаб қолди...

1993 йил майида фирқа Марказий Кенгаши собиқ бош котибларидан Содиқжон Йигиталиев ва бир гуруҳ фаолларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли Марказий Кенгашнинг навбатдаги йиғилишида фирқа аъзоларини, жумҳуриятдаги барча сиёсий кучларни, мамлакат аҳолисини юртбошимиз юргизаётган элпарвар сиёсатини қўллаб-қувватлашга, юрт истиқлолини ёркин этиш учун бирлашишга чорловчи мурожаатнома қабул қилинди. Унинг матни жумҳуриятнинг нуфузли газеталаридан бирида эълон этилди. Бу хайрли ташаббусдан жойлардаги "Эрк" аъзолари "мана биз ҳам юрт тинчлиги, эл фаровонлиги учун курашувчи кучлар сафидан жой олдик", деб одамлар ўртасида бир муддат қад ростлаб юрадиган бўлишди. Аммо қувончларга ҳали эрта экан. **Ватандан, фирқа ташкилотидан узоқлашган раиснинг "эгардан тушгиси келмади" афтидан. Муҳаммад Солиҳ "Эрк" деганда бир ўзини тушунади шекилли, "Озодлик" радиоси орқали Марказий Кенгашнинг қонуний йиғилишини ноқонуний, уни ташкил этганларни "хоинлар" деб эълон қилди.** Ҳақли савол туғилади: наҳотки, раиснинг сўзи фирқа Марказий Кенгаши аъзоларининг сўзидан ўткирроқ бўлса?! Ахир Мурожаатнома учун мажлиснинг Марказий Кенгашга аъзо бўлмаган бир-икки иштирокчилари демаганда, ҳамма якдиллик билан овоз берганди-ку, раис билан олий орган ўртасида шунчалик зи дият бўлган фирқани ҳамфикрлар уюшмаси деб аташ ўринлими, қолаверса, раиснинг бир оғиз сўзи билан бутун бошли Марказий Кенгаш қарори бекорга чиқарилаверса, "биз демократлармиз" деб керилганимиз нима бўлади? "Озодлик" радиоси бу жазавали хитобга нега кенг ўрин берди? Бу саволларга жавоб қайтариш ушбу машмашанинг иштирокчилари ва уларнинг Ғарбдаги ҳомийлари виждонига ҳавола. Бироқ мазкур қарама-қаршилик охир-оқибатда фирқани Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда жон куйдирадиган кучларнинг бирига ёки ҳиссиётларга берилиб, фирқани ҳалокат жарига олиб борадиган гуруҳга айлантириши шубҳасиз бўлиб қолди. Фирқада бўлиниш рўй берди: биринчи гуруҳ ортиқча вайсақибозликни бас этиб, истиқлол фидойилари бўлишга, жумҳурият Президенти атрофида жипслашиб, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтишга ҳисса қўшишга чақирса, иккинчи гуруҳ "Эрк" яширин ишлаш йўлига ўтиб, қандай қилиб бўлса-да, сиёсий ҳокимиятга интилиши лозим, деб ўйлади ва бунинг учун оммавий митинглар ташкил этиш зарур деб топди. Бу ўжарлик билан ҳақиқий вазиятни инкор қилиш, жумҳурият аҳлининг турли хил тартибсизликлар эмас, балки фидокорона меҳнатгина фаровон шаш манбаи эканлигини аллақачон чуқур ҳис этганини тан олмаслик бўлди.

Партиянинг 1993 йил 25 сент брда ўтган сўнгги IV қурултойи мана шу икки гуруҳ қарама-қаршилигининг энг юқори нуқтасига айланди. Муҳаммад Солиҳнинг четдан туриб берган кўрсатмаларига амал қилган иккинчи гуруҳ қурултой залини бақириқ-чақириқларга, хитобларга тўлдирди. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, фирқанинг раисидан тортиб, оддий аъзоларигача ўзини демократ деб атарди. Агар шундай бўлганида, фирқани ташкил этишда, тетапоя қилдиришда дурустгина меҳнати сарф бўлган профессор Шоди Каримов ер тепишлар, бақириб-чақиришлар воситасида фикрини айтишга йўл берилмай, минбардан туширилмаган бўларди. Ахир фирқанинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган йиғинида ҳар бир кишининг фикри эшитилиб, ақл тароз сида ўлчаниб, сўнг ягона ҳаракат дастури тузилганида, фойдадан холи бўлмасмиди?

Қурултойнинг фирқа раҳбариятини сайлаш қисми эса номига, хўжакўрсинга ўтказилди. Иккинчи гуруҳнинг мақсади Муҳаммад Солиҳни фирқа раислигида сақлаб қолишдангина иборат эканлиги сезилиб қолди. Акс ҳолда фирқа фаолиятида раисдан ҳам кўпроқ рол ўйнайдиган бош котибни сайлаш масаласига бунчалик юзаки қаралмасди. Оқибатда бош котибликка партиявий-ташкилий ишларда унча тажрибага эга бўлмаган Самад Мурод сайланди. Рости, ўшанда мен илгари партия Қашқадарё вилоят ташкилоти биринчи котиби бўлиб келган Самад Муродга катта умид кўзи билан қараган, биргаликда фирқанинг бундан кейинги фаолияти дастурини яратишга киришган эдим. Бу дастур фирқанинг конструктив мухолифат йўлини танлашини, Президентнинг даврга ҳозиржавоблик билан қабул этилган фармонлари жойларда қандай бажарилаётгани, жумҳурият тараққиётини тезлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишларга ўз муносабатини ҳамда амалий таклифларини билдиришни, шу йўл билан жумҳурият раҳбариятига иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда кўмакдош бўлишни кўзда тутарди. Аммо янги бош котиб бу ишларнинг бошида туришга ожизлик қилди, амалда фирқа фаолиятининг ёпилиб қолишига йўл берди. Қурултой воқелигини кўриб, фирқа хато йўл танлаганини вақтида ҳис этган Абдулҳай Абдумавлонов, Содиқжон Йигиталиев, Шоди Каримов сингари "Эрк" жонкуярлари бу гуруҳни хатарли сўқмоқдан қайтариб бўлмаслигига кўзлари етишишгач, жиноий ишларга шерик бўлмаслик учун ўз вақтида фирқа сафидан чиқишди. Уларнинг саъйи-ҳаракатлари туфайли минглаб оддий аъзолар хато йўлдан асраб қолинди.

Муҳаммад Солиҳ эса хориждан туриб қурултой қарорларини олқишлар билан кутиб олди. Чунки уни фирқанинг яшаб қолиши, мамлакат истиқлолига ҳисса қўшадиган кучга айланиши эмас, "Эрк" демократик партияси раиси" деган ном кўпроқ қизиқтирарди. Негаки, бу ном унга Ўзбекистондаги мухолиф фирқа раҳбари сифатида интервьюлар бериш, халқаро йиғинларда иштирок этиб, партия номидан гапириш имконини яратарди-да. У кўп ўтмай, бу қулай имкониятдан тўлақонли фойдаланишга киришди. Жумҳуриятдаги ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи суҳбатлар билан чекланиб қолмасдан, қандайдир нохолис кучларнинг ҳотамтойлигидан фойдаланиб, хорижда "Эрк" газетасини нашр эттириб, турли жиноий йўллар билан уни Ўзбекистонга киритиш ва хуфиёна тарқатиш ишларини кучайтирди. Ноқонуний бу газетанинг хоҳлаган сонини варақлаган киши унинг туҳмат-бўҳтонлардангина иборат эканлигини англаб, нафратга тўлади.

Ватандошларимизни чет элдан туриб, туғилган она тупроғига тош отувчиларнинг дийдиёси эмас, балки жумҳурият олдидаги улкан вазифалар кўпроқ қизиқтиради. Бу, биринчи навбатда, ўзини шу озод эл фарзанди деб билган киши учун мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш, туб иқтисодий ислоҳотларнинг томошабини эмас, фаол иштирокчиси бўлиш, жумҳурият Президенти атрофида мустаҳкам жипслашиб, юртни нурли истиқбол сари етаклаш истагидир.

"Эрк" фирқасининг собиқ аъзоси сифатида мен Муҳаммад Солиҳга шундай демоқчиман: **Сиз "миллатчи" сўзини севардингиз ва кўп ишлатардингиз. "Ҳар бир киши ўз миллатининг хизматкори бўлиши керак", дердингиз. Хўш, бугун кимни миллатчи деб аташ мумкин? Ватанни оғир синовлар даврида тарк этиб, четдан туриб тош отаётганларнимиb ёки қадоқ қўли билан юрт бойлигини яратаётганларними? Ҳақиқий миллатчилар элнинг тўйида ҳам, оғир кунида ҳам бирга бўлиши зарур эмасми?**

Мен ушбу мақола орқали "Эрк"нинг ҳозирги раҳбариятига эътирозларимни билдириб қолмасдан, расман фирқа сафидан чиққанлигимни ҳам эълон қиляпман. Сабаби, ҳозир фирқа сафидан чиқиш ҳақидаги аризамни қабул қиладиган ташкилотга сиз ва сизга ўхшаб, Ғарб ресторанларида кимларнингдир ҳотамтойлигига мунтазир бўлиб, ўз она Ватанига бўҳтон тошлари ёғдираётганларнинг касофати урғандир.

**Абдунаби АБДИЕВ,**
**жумҳурият Журналистлар уюшмаси аъзоси, "Эрк" демократик партияси Марказий Кенгаши собиқ аъзоси.**

## ШВЕЙЦАРИЯДАН ОЛИБ КЕЛИНДИ

Шу кеча-кундузда Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланмоқда, газламалар тури эса кўпайиб бораётир. Бунинг асосий сабаби заводга хориждан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилганида.

Яқинда фабрикада яна бир янги "Ритер" линияси ишга туширилди. Янги линияда барча юмушлар автоматлар ёрдамида бажарилади. У бирданига 864 та урчуқни ўраб, автомат равишда алмаштириб ҳам қўяди. Олдин уларнинг ҳаммаси қўлда бажариларди.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## МАРМАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

ЧУСТ туманидаги Қорақўрғон қишлоғида мармартошга ишлов бериш йўлга қўйилди. Бу ерда 50 нафар ёш ишламоқда. Улар ўз маҳсулотларини Тошкент, Фарғона, Самарқандга юборишаяпти. Бу жойларда қимматбаҳо хомашёдан ялтироқ безакли устунлар ва бошқа ноёб қурилиш материаллари тайёрланмоқда. Улар, ҳозирча, Тошкент метрополитени ва биноларига безак беришда ишлатилмоқда. Айни пайтда бу хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

**А. МАДАТОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАТЪИЙ ТАЪКИДЛАДИ

***Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон "Ассошиэйтед пресс" агентлиги мухбири билан суҳбатда Гаити ҳарбий ҳукуматини қонхўрлик ва зўравонликда айблади.***

*У давлат тўнтариши воситасида ҳукуматни қўлга олган Гаитининг ҳозирги ҳарбий раҳбарлари кейинги уч йил ичида турли сиёсий айблар билан 3 минг кишини қатл этганини айтди. АҚШ Президенти Гаитидаги ҳарбий ҳукуматнинг куни битаётганини таъкидлади.*

## "ЛИБЕРАСЬОН" ХАБАР БЕРАДИ

***Парижда чиқадиган "Либерасьон" рўзномаси таҳририяти собиқ Руанда қуролли кучлар бош қароргоҳининг махфий ҳужжатларини диққат билан ўрганди.***

*Мамлакатда давом этаётган қирғинбарот фуқаролар уруши ҳукумат армияси томонидан тайёрланган, деган хулосага келди.*

## ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

***Баварияда ГФР, Франция ва Польша мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлди.***

*Германия Ташқи ишлар вазирлигининг хабар беришича, учрашувда Польша республикасининг Европа иттифоқи билан ҳамкорлигини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди.*

## ЭҲТИЁЖ ОШАЯПТИ

***Японияда ихчам радиотелефонга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.***

*Сўнгги уч ой давомида бундай телефонлардан фойдаланувчи кишилар сони 500 мингдан ошган. Мутахассислар фикрича, жорий молия йилининг охиригача (31 мартда якунланади) радиотелефон эгаларининг сони 3,7 миллионтага етади.*

## БЕШ ЙИЛЛИК РЕЖА

***Ҳиндистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида кимё саноати соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.***

*Унга кўра, ҳар икки мамлакатда қўшма корхоналар қурилади, Хитой ва ҳинд олимлари биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказади. Битимни амалга жорий этиш беш йилга мўлжалланган.*

## ОЛИМНИНГ ФИКРИ

***Макхольц-2 кометаси Ерга яқинлашиб келмоқда, лекин у сайёрамиз билан тўқнашмайди, деб маълумот берди дунёда машҳур инглиз олими Стивен Хокинг Куала — Лумпурда ўтказилган матбуот анжуманида.***

*Физик олимнинг таъкидлашича, агарда мазкур комета ер билан тўқнашса, инсоният ҳаётидан асар қолмайди. Бироқ комета Ер яқинидан ўтиб кетишига аминман, деди у. Олим Ернинг фазовий жисмлар билан тўқнашуви ҳар 10 миллион йилда содир бўлиши ва бу ҳол охирги марта рўй берганида динозаврлар ер юзидан йўқолиб кетганини айтди.*

## ЯСАМА ТАҲДИД

***Куни кеча Ливаннинг жанубидаги 16 қишлоқ атрофи ҳамда Ғарбий Бекаа районлари Исроил тўплари томонидан огоҳлантирувчи ўққа тутилди.***

*Исроил вертолётлари "хавфсизлик ҳудуди" яқинида мунтазам учиб юрди. Исроил ҳарбий ҳаво кучлари қирувчилари жосуслик мақсадида Ливан ҳудудидан учиб ўтиб, Сайда ва Набатия шаҳарларига ясама таҳдид қилдилар.*

*Ливан миллий мудофаа вазири Муҳсин Даллул Жанубий Ливан районларига сафари чоғида сўзлаган нутқида ерли аҳолининг матонати ва Исроил босқинига қарши курашини юқори баҳолади. Унинг сўзларига қараганда, Байрут ташқи тазйиқларга қарамай, Жанубий Ливан партизанларининг қуролини тортиб олишни ва "Исроил жандарми"га айланишни истамайди.*

## МАҚСАД АЛОҚАЛАРНИ ТИКЛАШ

***Яман раҳбари Али Абдулла Солиҳ Уммон султонлиги билан ўзаро муносабатларни барқарорлаштириш, "Форс кўрфазидаги араб давлатлари билан дўстона алоқаларни тиклаш" учун султонликнинг Салала шаҳрига ташриф буюрди.***

*Маҳаллий шарҳловчиларнинг фикрича, Солиҳнинг Уммонга ташрифи Форс кўрфазидаги сиёсий-ижтимоий вазиятни барқарорлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки султонлик Ямандаги фуқаролар урушида жанубликларни қўллаб-қувватлаган эди. Бунинг устига, жанубликларнинг собиқ раҳбари ва Солиҳнинг ашаддий душмани Али Салим ал-Байд бугунги кунда Уммонда яшаётгани тахмин этилмоқда.*

## САЙЛОВ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЎТКАЗИЛМАЙДИ

***Куни кеча Бангладешда полиция ҳамда намойишчилар ўртасида рўй берган тўқнашувда 200 дан ошиқ киши яраланди.***

*Халқлигаси ва бошқа мухолиф партия вакилларидан иборат намойишчилар ҳукумат биноларини эгаллаш мақсадида полициячиларга қарата тош ёғдирди. Ҳуқуқ-тартибот кучлари эса намойишчилар сафини ўққа тутди.*

*Бангладешдаги сиёсий бўҳрон шу йилнинг март ойидан бери давом этмоқда, мухолиф кучлар ҳукумат истеъфога чиқиб, муддатидан илгари парламент сайловлари ўтказилишини талаб қилмоқда. Бироқ Бангладеш бош вазири Холида Зиё Раҳмон муддатидан илгари сайловлар ўтказилмаслигини, ҳукумат ўз қонуний ваколатини 1996 йилга қадар сақлаб қолишини таъкидламоқда.*

